

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Зиёбидинов Абдулазиз Зайнабиддинович  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
3-ўқув курс курсанти 309 гурӯҳ курсанти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф профилактика инспекторининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятининг хуқуқий асосини, унинг ўзига хослиги ва мазмун моҳиятини ёритиб ўтиб, мавзу юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтган.

**Калит сўзлар:** жисмоний ва юридик шахс, асосий фокуслар, медиация моделлари, психологларни жалб қилиши, менежерлар фаолияти.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье они разъяснили правовую основу работы инспектора профилактики с обращениями, ее уникальность и содержание, а также высказали свое мнение по теме.

**Ключевые слова:** физическое и юридическое лицо, основные направления, модели посредничества, привлечение психологов, деятельность менеджеров.

### ANNOTATION

In this article, they explained the legal basis of the prevention inspector's work with appeals, its uniqueness and content, and expressed their opinions on the topic.

**Key words:** physical and legal entity, main focuses, mediation models, involvement of psychologists, activities of managers.

Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига ва профилактика инспекторларига мурожаат қилиш хукуки конституция даражасида белгиланган бўлиб, хар бир шахснинг ушбу конституция хукукни сўзсиз амалга ошириши учун кейинги беш йил ичida зарур шароитлар ва хукукий механизmlар яратилди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал ва Ҳалқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ҳалқ қабулхоналари том маънода ҳалқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузулмага айланиши учун кўшимча хукукий асослар яратилиши ва парлпмент томонидан мамлакатимиз бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини назарга олинishiiga оид концептуал ғоялар илгари сурулмоқда.

Ўзбекистонда мурожаатлар билан ишлаш тизими бўйича олиб борилаётган ислохотлар замирида хар бир давлат органи мансабдорт шахси жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаши бўйича сайёр қабуллар ва хафтанинг белгиланган кунларида мансабдор шахс фуқаролар билан мулоқот қилиши белгилаб қўйилган бўлиб хар бир давлат органим мансабдор шахси фуқаролар дарди менинг хам дардим шиори остида фуқаролар томонидан келиб тушган мурожаатларни виждонлик ва маъсулиятлик билан ёндашиши лозим бу давлат рахбарининг талаби ва истаги хисобланади.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида асосий фокуслар мурожаатлар билан ишлаш жараёнига психологларни жалб қилиш, мурожаат қилувчилар билан бевосита шуғулланувчи менежерлар фаолиятини йўлга қўйиш, мурожаатлар билан ишончли масъуллар малакасини ошириш ва уларни услубий жихатдан қўллаб-куватлашни кучайтириш, манфаатдор шахслар томонидан ўзларига таълуқли мурожаатларнинг кўриб чиқилиши ҳолатини хар бир босқичда мунтазам кузатиб бориш ва натижаларини бахолаш имкониятларини яратиш, ахборот технологиялари қулайликларидан самаралий фойдаланиш, хар бир шахсга ўзи учун зарур бўлган сифатли ва ишончли ахборотларни олиш имконини берувчи платформаларни яратиш, расмий ва норасмий медиация моделларини қўллаш орқали мурожаатлар келиб тушишининг олдини олишга қаратилган.

Дунёда аксарият мамлакатлар асосий қонунларида ҳар қимнинг давлат органларига мурожаат қилиш хукуки конституциявий институт сифатида белгиланган бўлиб, бу борада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид қонунчилик хужжатларини ҳар томонлама ривожлантиришга, аҳоли мурожаатлари билан ишлашни алоҳида соҳалар бўйича тахлил қилишга ва такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар, жумладан, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда барча давлат органлари тизими тартибга солинган бўлиб булар жумласига Ички ишлар органлари хам киради. Ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари хамда профилактика инспекторлари жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда ўзининг ички буйруқлари ва бошка норматив хукукий хужжатлар билан тартибга солинган. Профилактика инспекторлари ўзининг маъмурий худудида яшовчи фуқаролар ёки шу худудда ўзининг иш фаолиятини ташкил этган юридик шахслар томонидан келиб тушган мурожаатлар, у мурожаатилар ўзининг хизмат вазифасига кирадиган мурожаатлар билан қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади ва шу аснода фуқаро берган мурожаатда ўз вақтида жавоб берилиши керак хисобланади, ўз ваколатига

кирмайдиган мурожжатлар бўйича кегишилиги бўйича давлар органига юбориш чораларини кўриши зарур.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. – М., 1990. – С. 38.
2. Пулатов Ю.С., Исмаилов И., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: Дарслик. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2005. – Б. 104. Зарипов З.С. Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. – Т., 1980. – С. 57.
3. Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции М. 1990., С.-38.
4. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонуни Қаранг Ўзбекистон Республикаси"Хуқуқбузарлизклар профилактикаситўғрисида"ги қонуни